

ЎЗБЕКИСТОН ВА ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ
ҲАМКОРЛИГИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ
ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Якубова Хилола

Ориентал университети тарих факултети

2-курс магистри

Х.С.Жуманиёзов

Низомий номидаги ТДПУ доценти

Резюме. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг вжудга келишининг объектив тарихий жараён экани, уни тақозо этган миллий манфаатлар ҳақида фикр юритади.

Таянч сўзлар: ШХТ, Шанхай бешлиги, сепаратизм, терроризм, экстремизм, инвестиция, транспорт логистикаси.

ИСТОРИЧЕСКИЕ КОРНИ СОЗДАНИЯ ШАНХАЙСКОЙ
ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА

Х. С. Джуманиязов. доцент ТДПУ им. Низоми.

Резюме. Тот факт, что создание Шанхайской организации сотрудничества является объективным историческим процессом, отражает национальные интересы, вызвавшие его необходимость.

Ключевые слова: ШОС, Шанхайская пятерка, сепаратизм, терроризм, экстремизм, инвестиции, транспортная логистика.

HISTORICAL FOUNDATIONS FOR THE CREATION OF
THE SHANGHAI ORGANIZATION

H. S. Jumaniyazov. Associate Professor TDPU named after Nizomi.

Summary. The fact that the creation of the Shanghai Organization is an objective historical consequence benefits the interests that caused its intention.

Key words: SCO, Shanghai Five, separatism, terrorism, extremism, investments, transport logistics.

Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилоти Осиё мамлакати иштирокида янги мингйиллик бошларида ташкил этилган халқаро ташкилот ҳисобланади. Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилотига 2001-йил 14-июнида Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарлари томонидан асос солинган

[1]. У қисқа муддат ичида минтақавий ташкилот ларажасидан ўсиб халқаро ташкилот даражасига эришди, халқаро муносабатлар тизимида ўзига хос ўрин ва аҳамият касб этди. 2017-йил 9-июндан ШХТ га Ҳиндистон ва Покистон ҳам қўшилиши билан иштирокчи давлатлар сони саккизтага етди. ШХТ нинг майдони 34 млн кв.км дан ортиқ бўлиб ер шаридаги умумий куруқликнинг салкам 25 % ини, Евросиё умумий майдонининг эса 60 % ни ташкил этади[2]. Ташкилотга кирувчи давлатларда жами дунё аҳолисининг деярли ярмиси истиқомат қилади. Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ҳарбий битимлар мавжуд эмас. Иштирокчи-давлатлар ташкилот доирасида бепоён минтақада терроризмга, сепаратизмга, наркотик савдосига қарши биргаликда курашишга, иқтисод ва ишлаб чиқариш, энергетика, савдо соҳасида, фан ва маданият соҳаларида муносабатларни юксалтиришга келишишган. Фан-техника соҳасидаги ютуқлар, технологиялар, табиий захиралар, ишчи кучи, инвестициялар, молия борасидаги имкониятлардан рационал фойдаланиш масалалари муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни янги босқичда давом эттирмоқда. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлигимиз тикланди, Европа инвестиция банки билан шериклик алоқалари ўрнатилди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки билан ўзаро ҳамкорлик самарали тус олмоқда” [3].

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро майдонда қандай вазифаларни бажариши, унга аъзо давлатларнинг ўз олдига қўйган вазифалари нималардан иборат эканлиги, умуман ШХТ ҳақида яхлит бир фикрга келиш учун бу ташкилотнинг тарихига назар ташлашга тўғри келади.

XX асрнинг 90-йиллари бошларида Россия Федератсияси ва Хитой Халқ Республикаси, шунингдек Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларининг ўзаро ҳудудий чегара туманларида турли низолар келиб чиқишини олдини олиш ушбу давлат раҳбарларининг олдида турган асосий вазифалардан бирига айланиб қолган эди. Негаки собиқ иттифоқ даврида Хитой билан чегара масаласида баҳсли ҳудудлар мавжуд эди. Шунингдек Марказий Осиё давлатларининг ўз мустақилликларини қўлга киритиши ХХР учун кутилмаган бир ҳол эдики, бу ҳолат азалдан Хитойнинг ғарбий қисмида яшаб келаётган туркийзабон халқлар миллий тафаккурининг уйғонишига ва миллий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди[4]. Агарда жараён шу шаклда ривожланса ташқи омиллар таъсирида ХХР нинг ғарбий туманларида юзага келаётган вазиятни ижобий томонга йўналтиришнинг имкони бўлмай

қоларди ва бу ҳолат Хитой раҳбарияти манфаатларига умуман тўғри келмас эди. Иккинчи томондан айтб ўтилганидек Хитой билан собиқ совет давлати ўртасида ҳудудий келишмовчилик ҳукм суриб келган. Бу масалаларнинг тинч йўл билан ҳал қилиш, чегараолди туманларда ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари иштирокидаги “Шанхай бешлиги” тузилмасини ташкил этилишига олиб келди. “Шанхай бешлиги” тузилмаси 1996-йил 26-апрелда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари раҳбарларининг Шанхай учрашувида тузилган бўлсада, бу жараённинг бошланиши 1964-йилнинг февридаги Хитой ва Совет Иттифоқи ўртасидаги чегара масалалари бўйича ўтказилган музокараларга бориб тақалади[5]. Қатор сабабларга кўра бу музокараларда узок вақт давомида жиддий силжиш бўлмади.

Хитой-совет муносабатларидаги бу соҳадаги сезиларли ўзгаришлар атиги 80-йилларнинг иккинчи ярмидан, яъни Совет Иттифоқида бошланган “қайта қуриш” сиёсатидан кейингина жонланди. Айнан шу даврдан бошлаб музокаралар олиб бориш фаоллашди.

ХХРнинг фақат Марказий Осиё давлатлари билан умумий чегара узунлиги 3 700 км.ни, Россияни ҳам қўшиб ҳисоблаганда эса, тузилмага аъзо давлатлар ўртасидаги чегара чизигининг узунлиги 7000 км.ни ташкил этади. Келишувга биноан:

- томонлар бир-бирига нисбатан қуролли кучлар билан таҳдид қилиш ёки уни қўллашдан воз кечдилар;
- ҳарбий устунликка эришиш учун бўлган интилишга ва ҳатти-ҳаракатларга барҳам берилди;
- чегара ҳудудларида жойлаштирилган ҳарбий контингентлар бир-бирига нисбатан ҳужум қилиш ҳолатида (жанговар) бўлмаслиги лозим;
- чегаранинг ҳар икки томонида юз километрлик масофада жойлаштирилган қуруқликдаги, ҳарбий-ҳаво, чегара қўшинлари ва Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа қилувчи Ҳарбий Ҳаво Кучларининг шахсий таркибини қисқартиришга келишилди;
- қисқартириш ўтказилгандан кейин чегара ҳудудларида қуролланиш ва шахсий таркибнинг сонини жоиз бўлган энг максимал даражасини белгилаш;
- қуролли кучларни қисқартиришнинг методлари ва муддатини аниқлаш;
- томонлар чегарада жойлаштирилган қуролли кучлари тўғрисидаги ўзаро маълумот алмашиш ва битимнинг ижро қилиниши юзасидан назорат олиб боришга келишилди[6].

Албатта келишувнинг ушбу бандлари даврий муаммолар сирасига киради. Кейинги фаолиятида ташкилот ўз мақсад ва вазифаларини такомиллаштириб борди. Ташкилотнинг ривожланиб кенгайиб бориши эволюциясидаги эътиборли

воқеалардан бири бўлган бешинчи саммит 2000-йил 5-июлда Душанбеда ўтказилди. Ушбу саммитда асосий эътибор, Марказий Осиё минтақаси билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилиб, асосан, хавфсизлик, муҳофаа, ҳуқуқ тартибот ишлари, ташқи сиёсат, иқтисодиёт, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, маданият соҳаси билан боғлиқ ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Айнан ушбу учрашувда Россия Федератсиясининг таклифи ва ХХРнинг қўллаб қуватлашига биноан биринчи президентимиз Ислоом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси кузатувчи сифатида иштирок этган эди. Шунингдек, саммит якунларига кўра “Шанхай бешлиги”ни “Шанхай форумига”га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Саммитда имзоланган Душанбе Декларацияси томонларнинг “Шанхай бешлиги”ни турли соҳаларда кўптомонлама ҳамкорлик қилувчи минтақавий тузилмага айлантиришга бўлган интилишларини тасдиқлади.

2001-йил 14-15 июн кунлари ХХР пойтахти Шанхайда олти давлат, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон давлатлари раҳбарларининг учрашувида ШХТ ни тузиш тўғрисидаги Декларация имзолангандан эътиборан ушбу ташкилот расман “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти” деб атала бошланди ва Ўзбекистон унга муассислардан бири, тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилди[7]. Юқорида келтирилганидек бу ташкилотга тузилишининг дастлабки кунларидан бошлаб минтақанинг нуфузли давлатлари қизиқишларининг катталиги халқаро муносабатларда янги обрўли, минтақавий ташкилотнинг юзага келганлини кўрсатди.

Инсоният ҳаётининг қатор соҳаларини кенг қамраб олаётган глобаллашув шароитида шахс, давлат ва жамият ривожига, умуман инсоният тараққиётига тўсқинлик қилаётган янгидан-янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши турувчи, иккинчи томондан эса мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланиш механизми сифатида минтақада ШХТ нинг пайдо бўлиши табиий ҳол эди. Чунки, ШХТ нинг тузилишига асос бўлган “Шанхай бешлиги” иштирокчилари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида самарали фаолият олиб бора олмас эди. Бунинг сабабларидан бири Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида фаолият олиб борувчи ташкилот доирасида албатта Ўзбекистон бўлиши лозим эди. Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашган, ҳамда узок йиллардан бери мобайнида уруш ўчоғи бўлиб келган, экстремистлар уясига айланган ва дунё бўйича наркотик моддаларнинг катта қисми етиштириладиган Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган бу давлатни ташкилот аъзолигига қабул қилмасдан минтақа хавфсизлиги борасидаги гаплар фақатгина конференцияларда минбардан туриб гапириладиган қуруқ гаплигича қолиб кетарди. Иккинчи томондан яна шуни қайд этиш лозимки бугунги геосиёсий жараёнларнинг глобаллашуви шароитида

миллий ҳавфсизликни муайян бир минтақа доирасида таъминлаш мумкин бўлмай қолди. Исталган минтақада исталган бир давлатнинг турли манфаатлари майдонга чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармонида ҳам анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш, Олий даражадаги ташрифлар орқали Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чет элларда мамлакатимизнинг янги дипломатик ваколатхоналарини очиш, миллий манфаатларни илгари суриш ва ҳимоя қилишда иқтисодий дипломатия самарадорлигини ошириш ва уни фаоллаштириш, Осиё-Тинч океани минтақасидаги анъанавий стратегик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш (Хитой, Корея Республикаси, Япония), Осиё-Тинч океани мамлакатларининг истиқболли бозорларига экспорт ҳажми ва номенклатурасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилган[8].

Шундай экан таҳлиллар асосида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг вужудга келиш сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

биринчидан, минтақада сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалаларда ҳавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақани узок муддатли, барқарор ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг барчасининг манфаатдорлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу мамлакатлар улкан табиий захиралар, унумдор ҳудудлар, инвестициялар, илм-фан ва техника борасида, ишчи кучи бозори сифатида мисли йўқ даражада имкониятга эга.

Иккинчидан, террорчилик, диний экстремизм, сепаратизм, нарқобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси каби дунёвий ҳавфсизликка таҳдид соладиган хатарларга қарши курашда ташкилотга аъзо давлатлар манфаатларининг умумийлиги, мақсадларнинг муштараклиги асос бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўзгараётган минтақавий ва халқаро шароитга қарамасдан, ШХТ ташкил топган илк даврдаги асосий устувор вазифа – Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш янгича долзарб аҳамият касб этаётганлигини таъкидлади. Бу хатарлар ўзгармоқда, янгича тус олмоқдаю «...Ҳозирги шароитда террорчилик, экстремизм ва нарқобизнес таҳдидлари сусайгани йўқ, аксинча кучаймоқда ва янги шаклларда намоён бўлмоқда» - деди хусусан мамлакатимиз етакчи ШХТ саммити давомида. Бундан ташқари, ёшларнинг радикаллашувида, террорчиларни молиялашда ахборот

технологиялари ва ижтимоий тармоқларнинг роли ортиб бормоқда ва бу ташкилот олдига янги вазифаларни қўймоқда.

Учинчидан, келажакда ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналишнинг шубҳасиз изчил ривожланиши, камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммоларни, миграция масалаларини ҳал этиш, минтақада ягона умумминтақавий бозор яратиш масалалари ташкилотга аъзо давлатларнинг асосий манфаатларига мос келади.

Тўртинчидан, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғловчи, минтақага кенг қўламда инвестициялар келишини таъминлаш учун катта имкониятлар очадиган транспорт - коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалага ошириш каби ҳамкорликнинг энг муҳим стратегик йўналишларига бўлган зарурият ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу борада улкан миқёсдаги қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Яқин келажакда Хитой, Россия, Ҳиндистон ва Эронни Марказий Осиё худуди орқали ўтадиган янги темир йўл линиялари боғлаб туради.

Бешинчидан, аъзо давлатларнинг табиий-географик имкониятларидан, фан-техника, технологиялар соҳасида эришилган ютуқлардан, ишчи кучи, капитал, инвестиция борасидаги салоҳиятиларидан ратсионал фойдаланишга интилиши, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва шу каби бир қатор сабаблар ШХТ нинг шаклланишга ва тобора кенгайиб боришига асос бўлди дейиш мумкин.

Адабиётлар:

1. https://ru.wikipedia.org/wiki/Шанхайская_организация_сотрудничества.
2. **Мухаммаджонов О.** Ўзбекистон ва ШХТ: кўптомонлама ҳамкорликнинг янги қамрови. <https://aniq.uz/yangiliklar/uzbekiston-va-shht-kuptomonlama-hamkorlikning-yangi-qamrovi>.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-86-б.
4. Жуманиёзов Х.С. Геосиёсат асослари: ўқув қўлланма. Т.: 2021. 231-б
5. <http://infosco.biz/index.php?lng=ru&pageId=235>
6. Жуманиёзов Х.С. Геосиёсат асослари: ўқув қўлланма. Т.: 2021. 232-б
7. https://ru.wikipedia.org/wiki/Шанхайская_организация_сотрудничества.
8. Ўзбекистон Республикаси Пр езидентининг фармони. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. ПФ-60. 28.01.2022.